



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 626а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган фуқаро Жумабоева Қизлархон Бектурдиевнага қарашли “Бостирма бино ва иншоотлари”ни бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биноси қуришга рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани архитектура ва қурилиш бўлимининг Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган “Бостирма бино ва иншоотлари”ни бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биноси қуриш учун туман хокимининг қарорини чиқариб беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган сўровномасини, Боғот тумани қурилиш бўлимининг 2020 йил 11 февралдаги 0576-сонли рухсатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган фуқаро Жумабоева Қизлархон Бектурдиевнага қарашли “Бостирма бино ва иншоотлари”ни бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биноси қуришга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Жумабоева Қизлархон Бектурдиевнага ушбу ер майдони бўйича белгиланган муддатда туман архитектура ва қурилиш бўлиmidан архитектура режалаштириш топшириғиний ишлатиш, махсус лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Хоразм вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати Инспекциясидан қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш вазифалари топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган

қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими



О.Холбоев